

# JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH-APRIL | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at [www.imfaktor.com](http://www.imfaktor.com)

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-4 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-3-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3-4

ТОШКЕНТ – 2024

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3-4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3-4>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин  
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

*“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.*

*Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.*

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

**Телефон номер:** +99894-410 11 55, **E-mail:** [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ИБРАГИМОВ Отабек Исмоилович**

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт*

*ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси*

*раиси ўринбосари*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10984089>

## БОЖХОНА ИШИГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯСИ: БОЖХОНА КОДЕКСИ МИСОЛИДА

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада божхона иши соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартлар тушунчаси хорижий олимлар ҳамда муаллифлик фикрлари асосида изоҳланган. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилинганидан буён унга киритилган ўзгартиришлар таҳлил қилинган. Таҳлиллар аниқ статистик маълумотлар асосида олиб борилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш арафасида халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига имплементация қилиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Қонунига батафсил шарҳ берилган.

Мазкур қонунга киритилган ўзгартиришларнинг сабаблари, мавжуд муаммолар, келгусида кутилаётган натижалар ёритилган. Мазкур мақола ўқувчида Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши арафасида Божхона органларида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларни тушунишига ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

**Калит сўзлар:** божхона кодекси, божхона расмийлаштируви, божхона назорати, ташки савдо, халқаро стандартлар, божхона ҳудудида қайта ишлаш, интеллектуал мулк.

## ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ПО ТАМОЖЕННОМУ ДЕЛУ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО: НА ПРИМЕРЕ ТАМОЖЕННОГО КОДЕКСА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе мнений зарубежных ученых и авторов исследуется концепция общепризнанных международных норм и стандартов в области таможенной деятельности. С момента принятия Таможенного кодекса Республики Узбекистан в него были внесены изменения. Анализ был основан на точной статистике. В частности, накануне вступления Республики Узбекистан во Всемирную торговую организацию было дано подробное толкование закону Республики Узбекистан от 27 февраля 2024 года, принятому в целях внедрения международных стандартов в Таможенный кодекс Республики Узбекистан "О внесении изменений и дополнений в Таможенный кодекс Республики Узбекистан". Таможенный кодекс Республики Узбекистан направлен на дальнейшее совершенствование таможенных процедур".

Освещаются причины внесения поправок в этот закон, существующие проблемы, ожидаемые результаты в будущем. Мы верим, что читателю этой статьи помогут разобраться правовые реформы, проведенные в таможенных органах Республики Узбекистан накануне ее вступления во Всемирную торговую организацию.

**Ключевые слова:** таможенный кодекс, таможенное оформление, таможенный контроль, внешняя торговля, международные стандарты, переработка на таможенной территории, интеллектуальная собственность.

## IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL STANDARDS ON CUSTOMS AFFAIRS INTO NATIONAL LEGISLATION: USING THE EXAMPLE OF THE CUSTOMS CODE

### ANNOTATION

This article examines the concept of generally recognized international norms and standards in the field of customs activity based on the opinions of foreign scientists and authors. Since the adoption of the Customs Code of the Republic of Uzbekistan, it has been changed. The analysis was based on accurate statistics. In particular, on the eve of the Republic of Uzbekistan's accession to the World Trade Organization, a detailed interpretation was given to the law of the Republic of Uzbekistan dated February 27, 2024, adopted in order to introduce international standards into the Customs Code of the Republic of Uzbekistan "On Changes and Additions to the Customs Code of the Republic of Uzbekistan". The Customs Code of the Republic of Uzbekistan is aimed at further improving customs procedures."

The reasons for changing this law, existing problems, and expected results in the future are highlighted. We believe that the reader of this article will be explained the legal reforms carried out in the customs authorities of the Republic of Uzbekistan on the eve of its accession to the World Trade Organization.

**Keywords:** customs Code, customs clearance, customs control, foreign trade, international standards, processing in the customs territory, intellectual property.

Бозорлар бугунги кунда глобал бўлиб бормоқда ва таъминот занжирлари кўплаб мамлакатлар чегараларини кесиб ўтмоқда. Жаҳон бозорининг техник пойдевори сифатида халқаро стандартларнинг роли ЖСТнинг савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги битимида таъкидланган бўлиб, ҳукуматларни савдо-сотикни ривожлантиришда тўсиқларни олдини олиш мақсадида халқаро стандартлардан максимал даражада фойдаланишни назарда тутди. Халқаро божхона стандартлари ёки халқаро стандартлар деганда халқаро ва минтақавий миқёсда қабул қилинган норматив ҳужжатлардаги барча стандартлар назарда тутилади.

А.Ю.Райкова таъкидлашича, халқаро божхона стандартлари универсал ва ихтисослашган ташкилотлар доирасида халқаро даражада яратилади, лекин асосан ҳамкорлик қилувчи давлатларнинг минтақавий ташаббуслари доирасида қўлланилади [1].

А.Райкованинг фикрига кўра, халқаро божхона ҳуқуқидаги уйғунлик халқаро стандартлар ва соддалаштирилган божхона процедуралари сифатида амалга оширилади. Ўзининг ҳуқуқий табиати бўйича уйғунлаштириш - бу божхона соҳасидаги халқаро шартномани иштирокчи-давлатлар томонидан ўз давлатларининг ички қонунчилигида ушбу битим қоидаларини, божхона процедураларини мувофиқлаштириш ва нормалаштиришдир.

А.Ю.Кожанков, О.Г.Боброва ва Е.С.Бисеровалар ўз мақолаларида WTO Agreement on Trade Facilitation – ЖБТ Савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимнинг қабул қилиниши божхона назоратини халқаро ҳуқуқий тартибга солишни янги босқичга олиб чиққанлигини, яъни, халқаро божхона стандартларининг яратилишига асос бўлганлигини эътироф этадилар [2].

Аммо, М.А.Кадиркулов ва С.В.Мозерлар эса халқаро стандартлар деганда нафақат стандарт нормалари мавжуд бўлган ҳужжатларни, балки ЖБТ томонидан қабул қилинган барча инструмент ва воситаларни тушуниш лозимлигини тавсифлайдилар.

Бир мамлакат ҳуқуқ тизимни бошқа давлат ёки халқаро ташкилот ҳуқуқига мувофиқлаштириш-уйғунлаштириш ёхуд унификация қилиш атамаларига турли таърифлар мавжуд.

Илмий изланишларимиз доирасидан келиб чиқиб, шуни айтишимиз мумкинки, Халқаро стандарт – халқаро ташкилот томонидан ёки кўпчилик давлатлар томонидан имзоланган келишувлар асосида қабул қилинган муайян соҳа, фаолиятни амалга оширишга, маълум маҳсулотларни ишлаб чиқариш, фойдаланиш ёки тасарруф этишга қўйилган минимал талаблар, шартлар, тавсияларни ўз ичига олади. Шунингдек, стандартлар атамалар, белгилар, қадоқлаш, этикетка ва ёрлиқларга қўйиладиган талаблар ва уларни қўллаш қоидаларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Амалда, халқаро стандартлар кўпинча илмий-техник жамиятлар томонидан ишлаб чиқилган ва дунёнинг турли мамлакатлари томонидан норма сифатида қабул қилинган минтақавий стандартларни англатади.

Юқоридаги фикрларга таяниб, халқаро божхона стандартлари норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик адабиётларда - стандарт кўринишида эмас, қоида, норма, тартиблар тарзида ҳам ифодаланиши мумкин деган хулосага келамиз.

Унификация эса, давлатлараро божхона муносабатларини бирлаштириш, бу икки ёки ундан ортиқ давлатлар учун халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг махсус соҳасидаги халқаро ҳамкорликни тартибга солишнинг умумий, ягона норма ва қоидаларини ишлаб чиқишдир.

Шундай экан, халқаро стандартларнинг асосий мақсади халқаро даражадаги янги сифат тизимини ишлаб чиқиш ва амалдаги сифат тизимларини такомиллаштириш ва уларни сертификатлаштириш учун ягона услубий базани яратиш орқали жаҳон савдосини энгиллаштириш ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат дейишимиз мумкин.

Божхона назоратини тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати бўлмиш Божхона кодекси Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ-400-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган бўлиб, 2016 йил 22 апрелдан амалга киритилган. Ушбу ҳужжатга киритилган ўзгартиришлар умумий таҳлил қилинганида 2016 йилдан шу кунга (2024 йил 1 апрель) қадар кодексга жами 19 маротаба кўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Ушбу ўзгартиришлар ичида 2024 йилнинг 27 февраль имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни) [3] Божхона тартиботларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция [4] (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июндаги ўзгартиришлар билан), Жаҳон савдо ташкилотининг Божхона тартиботларини соддалаштириш тўғрисидаги битими [5] ва Жаҳон божхона ташкилоти қоидаларига уйғунлаштириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги билан аҳамиятли бўлди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексининг 40 та моддасига ўзгартириш киритилди ва 5 та янги модда билан тўлдирилди.

Хусусан, кодексга бир нечта аниқлаштирувчи нормалар киритилди. Божхона ҳудуди, реэкспорт божхона режимига жойлаштирилган товарларни олиб чиқиш бўйича аниқ муддатлар белгиланмоқда, реэкспортга олиб чиқилмаган товарларнинг сақлаш жойлари белгиланмоқда.

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимини тугаллашда товарларнинг ваколатли шахснинг аризасига асосан исталган божхона постида амалга ошириш ҳуқуқи берилмоқда. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ товарларни қайси божхона постида расмийлаштирилган бўлса, ушбу постга олиб киришга мажбур.

*Божхона статистикаси маълумотларига кўра, 2023 йилда божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимида 100 та ТИФ қатнашчилари томонидан 2,3 минг. тн қиймати 136,6 млн долларга тенг бўлган товарлари расмийлаштирилган.*

*Шундан:*

*33 фоизга ёки қиймати 45 млн долларга тенг товарларни қайта ишлаш;*

*67 фоизга ёки қиймати 91,6 млн долларга тенг товарларни таъмирлаш мақсадида олиб чиқилган [1].*

Товарлар бир неча бор божхона омбори божхона режимига жойлаштирилганда ёки бошқа шахсга ўтказилганда божхона омбори божхона режимининг умумий амал қилиш муддати 3 йилдан ошмаслиги бўйича аниқлаштирувчи норма билан тўлдирилмоқда. Амалдаги нормаларда ушбу аниқлаштирувчи тартиботлар белгиланмаганлиги сабабли, товарларни бошқа шахсга ўтказилганда сақлаш муддатларини ҳисоблашда ягона ёндашувлар мавжуд эмас. Бундан ташқари товарларнинг сақлаш муддатига ҳам таъсир этмоқда.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ товарларни эркин омбор божхона режимига жойлаштиришда ёки бошқа шахсга ўтказишнинг ҳуқуқий асоси киритилмаганлиги сабабли ягона ёндашувлар мавжуд эмас.

*Бугунги кунда эркин омбор божхона режимда 1 175 партидаги қиймати 51,6 млн долл.га тенг 23,3 минг тн товарлар сақланмоқда.*

Амалда кичик турдаги ташкилотлардан товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш учун талаб этиладиган ҳужжатлардан бири бу қайта ишлашнинг технологик жараёни тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш белгиланган, бу эса ўз навбатида тегишли қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Киритилаётган ўзгартиришларга асосан кичик турдаги ташкилотлардан эмас, балки йирик давлат улуши бўлган ташкилотлардан ушбу ҳужжат талаб этилади. Мазкур енгиллик тадбиркорлар учун қайта ишлаш режимдан самарали фойдаланиш имконини беради.

*Товарларни қайта ишлаш режимини оммалаштириш бўйича:*

*Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимининг афзалликлари кенг тарғиб қилиниши натижасида 2023 йилда ушбу режимга 701 млн долларга тенг товарлар жойлаштирилиб, 2022 йилга нисбатан 76 %га ёки 303 млн долларга ошди (2022 йилда 398 млн \$).*

*Қайта ишланган 776 млн долларлик товарлар экспорт қилиниб, бу кўрсаткич 2,3 баробарга ёки 437 млн долларга ошди (2022 йилда 339 млн. \$). Ушбу режимдан фойдаланган тадбиркорлар сони 254 тани ташкил этиб, уларнинг сони 62 %га ёки 97 тага ошди (2022 йилда 157 та). Тарғибот натижасида мазкур режимдан фойдаланмаган янги 97 та корхона томонидан 40 млн долларга тенг товарлар жойлаштирилиб, қайта ишлаш натижасида 21 млн долларлик товарлар экспорт қилинди.*

Чет эллик жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадларда вақтинча олиб кирилган транспорт воситасининг ҳисоблаш муддати расмийлаштирилган кундан ҳисобланиши аниқ кўрсатилмоқда.

*Миллий автоташувчиларни рағбатлантириш мақсадида улар томонидан импорт товарларни ташишда лицензия карточкасини талаб қилиш тартиби бекор келинмоқда.*

*2023 йилда жами божхона назорати остида автомобил транспортида амалга оширилган ташувлар (импорт ва транзит) сони 642 794 тани ташкил этган бўлиб, ундан миллий ташувчилар улуши 316 627 тани ташкил этган (49,2%).*

Транспорт воситасига товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш тартиботларида инсон омилини бартараф этиш ва бу тартиботни шаффоф бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки «Лицензия» ахборот тизими орқали олиш тартиби жорий этилмоқда, яъни ушбу жараёнда инсон омили бекор қилинмоқда

*2023 йилда божхона органлари томонидан 10 222 та транспорт воситасига товарларни божхона пломбалари ва муҳрлари остида ташишга рухсат бериш тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилган.*

Жисмоний шахс божхона ҳудудига олиб кириладиган алоҳида кузатиб бориладиган бағаж учун амалда Божхона юк декларациясини тўлдириш талаб этилади. Божхона юк декларациясини тўлдириш учун алоҳида брокер ва мутахассис жалб этилиши керак. Бу эса ўз навбатида ортиқча вақт ва муаммоларга сабаб бўлмоқда. Эндиликда соддалаштирилган тартибда оддий йўловчи божхона декларацияси тўлдирилиши белгиланмоқда.

Товарлар келишидан аввал дастлабки декларациялаш орқали тез фурсатларда товарларни чиқариб юбориш мумкин. Асосий шартларидан бири бу божхона тўловларининг тўлаган бўлиши талаб этилади. Бироқ тадбиркор ҳисобида пули бўлмаса Божхона кодексининг 47-бобига мувофиқ божхона тўловларини тўланишини таъминлов усуллари орқали амалга оширилди.

Шунингдек тадбиркорларга янада қулай шарт–шароитлар яратиш мақсадида дастлабки декларациялашни исталган божхона постида амалга ошириш ҳуқуқи берилмоқда. Амалда фақат белгиланган божхона постида рамиёлаштириш талаб этилган.

*2023 йил давомида 2 357 та БЮДлар дастлабки декларациялаш орқали божхона расмийлаштирувидан ўтказилган.*

*Товарлар чиқариб юборилгунига қадар тайинланган божхона экспертизасининг натижалари олингунига қадар товарларни чиқариб юбориш имконияти яратилмоқда. Амалда товарларнинг ТИФ товарлар номенклатураси бўйича коддини аниқлаш юзасидан 1 йилгача хорижий давлатлардан хулосалар олинмасдан товарлар омборларда сақланиб қолинмоқда. Ўтган давр мобайнида 109 та ҳолатлар юзасидан ТИФ ТН аниқлаш билан муаммолар юзага келган. Шунингдек ушбу товарлар бўйича экспертиза хулосалари тақдим этилмаган.*

Бугунги кунда, товарлар ўзининг истеъмол хоссаларини йўқотган, авария ёки енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида йўқ қилинган, табиий камайиши натижасида йўқолган товарлар бўйича божхона тўловларини ундириш ёки ундирмаслик бўйича аниқ ёндашувлар мавжуд эмас. Шу сабабли, божхона тўловларини тўланиши бўйича мажбуриятлар юзага келмайдиган ҳолатлар миллий қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Хусусан, товарларни қайта ишлашда ҳосил бўладиган чиқиндиларни эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режимига жойлаштиришда божхона божидан имтиёз берилмоқда.

*Мисол учун: Божхона статистикаси маълумотларига кўра, 2023 йилда божхона ҳудудига қайта ишлаш режимида 65 та ТИФ қатнашчилари томонидан 1,4 млн тн қиймати 325,8 млн долларга тенг бўлган “бугдой” товарини расмийлаштирган. Бунда, бугдой товарини қайта ишлаш натижасида 1 млн тн “ун”, 301 минг тн “кепак” ҳамда 38 минг тн “чиқинди” ҳосил бўлган бўлиб, бунда чиқиндини эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштириш натижасида давлат бюджетига 27,4 млрд сўм пул маблағлари ундирилган.*

ЖСТга аъзо давлатларнинг божхона тўғрисидаги қонунчилиги ГАТТ 1994 йилнинг VII моддаси қоидаларини тўлиқ имплементация қилишини талаб этади. Мазкур қоидаларнинг имплементация қилиниши товарнинг инвойс ва шартнома нархини қабул қилишнинг ҳуқуқий асосини белгиламоқда. Ҳозирда тадбиркорлар кутаётган асосий энгиликлардан бири ҳам айнан шудир.

Божхона қийматини аниқлаш тартиб-таомили - товарларни етказиб бериш манбаларига, товарларнинг келиб чиқишига, товарларнинг турига, битим иштирокчиларига ва бошқа омилларга қараб фарқ қилмаслиги, яъни умумий тарзда қўлланилиши ҳамда ушбу тартиб-таомиллар демпингга қарши курашда қўлланилмаслиги қатъий белгиланиши ҳисобига тадбиркорлик субъектлари учун бозор тамойилларига асосланган тенг рақобатга асосланган бизнес муҳит яратилади.

Қолаверса, Божхона қўмитасига божхона қийматини аниқлаш қоидаларини бир хил қўлланилишини таъминлашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиб бориш вазифаси юклатилаётган бўлиб, бу билан тадбиркорлик субъектларининг судларга божхона қиймати масалалари бўйича шикоятлари сезиларли даражада камайишига эришилади.

Масалан, ҳозирда шартнома ва инвойс нарҳини қабул қилиш 2023 йилнинг декабрь ойида **69,3 %** ташкил этган бўлса, мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу кўрсаткични ЖСТга аъзо мамлакатлардаги каби **80 %**дан ортишига олиб келади

Импортда сотиб олувчи томонидан сотувчига ёки унинг фойдасига товар учун ҳар қандай шаклда тўланадиган барча тўловларнинг умумий миқдори - битим нарҳини ташкил этиши қатъий белгиланиб, бу билан инвойс нарҳини қабул қилишдаги тўсиқлар олиб ташланади. Товарларни импорт қилишда уларни ишлаб чиқариш учун бепул ва арзонлаштирилган тарзда етказиладиган товар ва хизматларнинг божхона қиймати таркибига киритилиши назарда тутилаётган бўлиб, бу билан божхона қийматини аниқлашдаги тушунмовчиликларга барҳам берилади.

Импортёр томонидан сотувчига ўтказиладиган дивидендлар ёки импорт товарларига таалуқли бўлмаган бошқа тўловлар битим қийматига киритилмаслиги аниқ белгиланиши ҳисобига инвесторлар учун мақбул шароит яратилади.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари бир нечта божхона операциялари (товарларни декларациялаш, божхона кузатуви, товарларни шартли чиқариш ва бошқалар) доирасидаги мажбуриятларини таъминлаш учун ягона таъминот тақдим этиш имконияти яратилмаган. Божхона кодексига бир вақтнинг ўзида бир нечта мажбуриятларни амалга ошириш имкони яратиш бўйича божхона тўловлари тўланишининг бош таъминотни қўллаш юзасидан янги тартиб киритилмоқда.

*2023 йилнинг ўтган даври мобайнида 17 мингдан ортиқ ТИФ қатнашчиларига:*

*57 трлн сўм (2022 йилда 56,6 трлн. сўм) божхона тўловларидан имтиёз ва преференциялар қўлланилди;*

*8,3 трлн сўм (2022 йилда 5,8 трлн. сўм) божхона тўловларини кечиктириб тўлашга рухсат берилди.*

Қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини тадбиркорлик субъектларидан ундириш билан боғлиқ тартиботлар қўшимча вақт ва харажатлар сарф этилмоқда.

Божхона кодексига божхона тўловларининг қўшимча ҳисобланиши натижасида ундирилмайдиган энг кам миқдори этиб базавий ҳисоблаш миқдорининг 20% (6 АҚШ долл.) деб белгиланмоқда.

Товарларнинг келиб чиқиш мамлакати ва божхона тўловлари бўйича дастлабки қарор олишнинг ҳуқуқий асоси бўлмаганлиги тадбиркорларга ўз бизнесларини олдиндан режалаштиришга катта муаммоларга сабаб бўлган.

*2023 йилнинг ўтган даври мобайнида Товарларни классификациялаш гуруҳлари томонидан 9 140 та (2022 й. 9 186 та) берилган таснифлаш қарорлари бўйича 3 827 та (3 349 та) ТИФ ТНга оид хатолик аниқланиб, 91,3 млрд сўм (2022 й. 63,1 млрд) қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.*

Республика бўйича **божхона тўловлари бўйича дастлабки қарор** юзасидан 2022-2023 йиллар давомида **992 та** (2022 йилда 396 та, 2023 йилда 596 та) мурожаатлар келиб тушган бўлиб, улар бўйича **450 та** (2022 йилда 194 та, 2023 йилда 256 та) дастлабки қарор қабул қилинган.

Интеллектуал мулк объектлари реестрига киритилмаган импортёрлар томонидан товарлар олиб кирилганда ўз ташаббуслари билан тўхтатиб қолиш бўйича божхона органларининг ҳуқуқлари белгиланмаган («ex officio»).

Божхона кодексига божхона органларининг интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларни божхона назоратини амалга оширишда қўшимча ҳуқуқлар белгиланмоқда. Хусусан, божхона реестрига киритилмаган интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриши.

Мазкур тартибнинг жорий этилиши контрафакт ва сифати кафолатланмаган маҳсулотларнинг кириб келишини олди олинади.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш доирасида асосий талаблардан бири бу Интеллектуал мулк ҳуқуқлари савдо аспекти буйича Битимнинг (ТРИПС) 58-моддаси (ex-officio) қоидаларига мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кўплаб сифатли бренд товарлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда (*Artel, Diamond decor, Dena, Bliss, GOLDEN MAPLE, Ideal va бошқ.*).

Ўз брендларига эга бўлган **миллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг товарларини экспорт қилишда** уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконияти берилмоқда. Амалдаги божхона қонунчилигига асосан экспорт қилинадиган товарларни уларнинг **контрафакт нусхаларидан** ҳимоя қилиш учун **тўхтатиб туриш ваколати божхона органларида мавжуд эмас эди**. Шу сабабли, экспорт қилувчилар товарларининг контрафакт нусхаларини тўхтатиш божхона органлари томонидан амалга ошириш имконияти йўқ эди ҳамда экспорт қилувчи тўхтатиш буйича божхона органларига ариза бера олмасди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Божхона кодексининг 382-моддасига олиб чиқиладиган товарларга нисбатан ҳам тўхтатиб туриш чорасини кўриш мумкинлиги буйича норма киритилмоқда. Бу амалиёт товарлар экспортини амалга оширувчи миллий ишлаб чиқарувчиларга куйидаги қулайликларни беради:

- ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг контрафакт нусхаларини хорижга экспорт бўлишини олдини олиш;
- миллий брендларининг хорижий давлатлардаги обрўсини ошириш;
- ҳалол рақобат муҳити (ўзганинг брендини ўғирламаслик) таъминланади.

Мазкур киритилаётган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар куйидагиларни амалга ошишига олиб келади:

- Жаҳон савдо ташкилотининг “Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти буйича халқаро Битим” (ТРИПС) талаблари бажарилади;
- мамлакатимизга фаол хорижий инвестицияларни жалб қилинишига ёрдам беради.
- аҳоли сифатли (оригинал) товарлар **истеъмолига** эга бўлади;
- **контрафакт** товарлар айланмасига **чек қўйилади**.

*Мазкур моддалар орқали божхона органлари божхона реестрига киритилган (амалда 210 товар белгиси фаол ҳолатда) ҳамда киритилмаган интеллектуал мулк объектларини ўз ташаббусларига асосан (ҳуқуқ эгасининг аризаси бўлмаган ҳолатда ҳам) чоралар кўриш ҳуқуқига эга бўлади.*

*2022-2023 йилларда Божхона кодексининг амалдаги таҳририга мувофиқ, ҳуқуқ эгаларининг аризасига асосан товарлар импортида 9 та ҳолатда 274 700 АҚШ доллари миқдоридagi товарлар буйича чоралар кўрилган.*

*Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига кириш йўлидаги амалга оширилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар доирасида божхона тўғрисидаги барча қонунчилик ҳужжатлари Жаҳон савдо ташкилоти талаблари даражасида тўлиқ имплементация қилинди дейишимиз мумкин.*

**REFERENCES. IQTIBOSLAR. ЧОШКИ.**

1. А.Ю.Райкова. Автореферат. Международно-правовые аспекты упрощения и гармонизации таможенных процедур (на примере международных таможенных конвенций по Карнетам А.Т.А.). Научная электронная библиотека диссертаций и авторефератов. <https://www.dissercat.com/>
2. Кожанков А.Ю., Боброва О.Г., Бисерова Е.С. «Международные стандарты Всемирной таможенной организации и Всемирной торговой организации, влияющие на правовое регулирование таможенного контроля в ЕАЭС» / А.Ю. Кожанков // Таможенные чтения – 2018. [http://spbrta.customs.ru/spbrta/images/stories/Tamozhennye\\_chteniya/2018/sbornik\\_materialov/sbornik\\_materialov\\_konferencii\\_2018\\_tom1.pdf](http://spbrta.customs.ru/spbrta/images/stories/Tamozhennye_chteniya/2018/sbornik_materialov/sbornik_materialov_konferencii_2018_tom1.pdf)
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 27.02.2024 йилдаги ЎРҚ-913-сон. <https://lex.uz/docs/6817504>
4. “Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида” халқаро Киото конвенцияси (1973). <https://www.wcoomd.org/en/about-us/legal-instruments/conventions.aspx>
5. Жаҳон савдо ташкилотининг “Савдо тартиботларини соддалаштириш бўйича келишуви” <https://live-tfignew.pantheonsite.io/wp-content/uploads/2023/04/TFA-rus.pdf>

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-4 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-3-4

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3-4

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)